




ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

ОЖШОЖ

Дам олиш
сонида

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 79 (9.271) 1999 йил 9 июль, жума

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Шу йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий ҳавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси мамлакат Президенти, Миллий ҳавфсизлик Кенгаши раиси Ислон Каримов бошқарди.

◆ Вазирлар Маҳкамасида корхоналар банкротлиги ва санацис масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди.

◆ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик масалалари бўйича Германия иқтисодиёт кўмитаси делегацияси Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикасининг қатор нуфузли муассасалари вакиллари билан музокаралар олиб борди.

◆ Ҳукумат қарори билан «Ўзгеонефгазқазибчиқариш» «Ўзнефтқайтаишлаш» акциядорлик компаниялари ва «Бейкер Хьюз (Кипр) Лимитед» компанияси ўртасида тузилган шартнома битими қўллаб-қувватланди.

◆ Тошкентдаги минтақавий банк ўқув маркази қошида банкларда фаолият юритаётган ёш, иқтидорли кадрларнинг жаҳон андозалари даражасида мутахассис бўлиб етишишлари учун махсус банк ўқуви ташкил қилинди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида газета ва журналлар бош муҳаррирлари, Республика матбуот тарқатувчи акциядорлар жамияти раҳбарлари иштирокида ййгилиш бўлиб ўтди.

◆ «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси Аёллар йилига бағишлаб кўнгина қизиқарли тадбирлар ташкил этмоқда. «Туркистон» саройида ўтказилган «Санъатим сенга бахшида — халқим» концерт-дастури ана шундайлардан бири бўлди.

ЖАҲОНДА

◆ Вашингтонда — Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонасида шу йил апрель ойида қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

◆ Япониянинг Ибарак префектурасида жойлашган Мориа шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига бағишланган конференция ўтказилди.

◆ Жаҳон банки Албанияга 400 миллион АҚШ доллари миқдорда ёрдам пули ажратишини маълум қилди.

◆ Исроил Бош вазири Эхуд Брак ўз маҳкамасидаги бир неча вазирлари, яъни Давид Левин ташки ишлар вазири, Эхуд Бракиннинг ўзи эса Мудофаа вазири лавозимини эгаллашини ҳамда Шмон Пересага минтақавий ривожланиш вазири лавозимини таклиф этганлигини маълум қилди.


◆ Хитойнинг Сичуан вилоятининг Шэхун уездида йўловчи ташувчи кема ҳалокатга учради. Уч киши ҳалок бўлган, 20 киши бедарак йўқолган.

◆ Буюк Британия пойтахти биржасида евронинг долларга нисбатан қиймати 1,02 кўрсаткичга тушиб кетди.

◆ Мексиканинг Коауила штатида автоҳалокат рўй берди. Ҳалокат оқибатида 14 киши қурбон бўлди, 24 киши оғир жароҳат олди.

◆ Эфиопия ҳукумати эритреялик фуқароларни ўз Ватанига қайтаришни бошлади. Кейинги икки кун ичида уч мингдан зиёд эритреялик ўз ватанига жўнатилди.

ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Эл-юрт учун хизмат қилаётган, уларнинг ишончини қозониш учун одамлар ташвиши билан яшаётган инсонларни фидойилар деса арзийди. Қарийб 8 йилдирки, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Беруний номи маҳалла аҳлига бош-қош бўлиб келаётган Саиднаби ота Саидкаримов ана шундай эл ишончини оқлаётганлардан. Шу боис ҳам маҳалла фуқаролари унга яна ишонч билдиришиб, маҳалла оқсоқолигига қайта сайладилар.

— Халқимизда «Маҳалланг — ота-онанг» деган доно нақл бор, — дейди Саиднаби ота. — Бунинг замирида жуда катта маъно муҳассас. Албатта, ана шундай ибратли нақл замиридаги маънога камроқ эътибор берганимиз боисми, кейинги вақтларда ёшларимизга эътиборни анчагина бўшаштириб юборган эканмиз, хушёрликни, огоҳликни унутай дебмиз. Ахир юртимиз истиқболни белгиловчи, унинг равнақиға муносиб улуш кўшувчи фарзандларимиз Ватан ичра ватан саналмиш маҳаллаларда камол топади-ку.

16 февраль воқеалари, Президентимизнинг куюниб гапирган гаплари бизни яна хушёрликка чорлади. Бу машъум во-

қеаларда бизнинг ҳам айбимиз борлигини ҳис этиб, дилдан куюндик. Чунки камолға етаётган ўғил-қизларимизнинг ҳар бир қадамига биз, яъни маҳалла аҳли масъулмиз. Агар улар нотўғри йўлдан юрсалар, шубҳасиз, бунга аввало маҳалла, ота-она айбдор. Ана шунинг учун ҳам уларни тўғри йўлга бошлаш, тарбиясига, юриш-туришига доимо хушёр бўлиш, Президентимиз айтганларидек, ўз болаларимизни ҳеч кимга бериб қўймаслигимиз асосий вазифаларимиздан биридир. Шундай экан барчамиз ёшлар тарбиясига ҳар доим масъуллимизни унутмайлик.

Шарифа ИЛЁСОВА,
Рашид Галиев
олган сурат.

Саноат

Ўз мавсуми бошланиши билан одамларнинг чанқовбосди ичимликларга талаби ортади. Муздай ва оромбахш ичимликлар барчага ҳузур бағишлаши табиий.

Ана шундай ўз мавсумида аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган шаҳримиздаги «Шифобахш булоқ» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам алоҳида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Бу корхонада қадокланаётган сувлар нафақат чанқовбосдилик билан, балки ошқозон-ичак, буйрак касалликларига даволиги билан ҳам ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу ерда қадокланаётган сувларга талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда.

ШИФОБАХШ БУЛОҚНИНГ ОРОМБАХШ СУВИ

Корхонада кунига 160 минг шишада сув ишлаб чиқарилиб, қадокланган маъданли сувлар тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Бу ердаги цехларда «Зангиота» булоқ суви ҳам тозаланиб, қадокланмоқда. Минг метрдан ортиқ ер остидан чиқаётган бу сувлар ўзининг шифобахшлиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳам Австрия минерал сувларни текшириш Халқаро маркази томонидан корхона сувлари юқори баҳоланди. Шунинг алоҳида айтиш ўринлики, ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган сувнинг сифати, яъни табиий шифобахшлигини оширишга ҳам катта эътибор билан қаралмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида жамоада яхши кўрсаткичлар қўлга киритилди.

Айни ёзнинг жазирамасида корхона тўлиқ қувват билан ишламоқда. Чунки ушбу йилда истеъмолчилар билан тузилган шартномага кўра 42 миллион шишада маъданли минерал сувлар етказиб бериш кўзда тутилган. 750 дан ортиқ савдо корхоналари ҳамда хом ашё етказиб беришчи корхоналар билан ҳам шартномалар имзоланиб, уларнинг тўлиқ бажарилишига эришилмоқда. Энг муҳими эса корхонада сифатли маҳсулот тайёрлаш учун мавжуд ускуналарни янгилаш ва замонавий дастгоҳлар ўрнатишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу тадбир эса рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг муҳим гаровидир ҳамда бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан биридир.

Саидакром САИДАҲЛОЕВ,
Дилноза ГИЁСОВА.

Хушёрликка даъват

МАЪНАВИЙ БЎШЛИҚ БЎЛМАСИН

16 февраль биздан қанчалик узоклашмасин унинг қолдирган асоратлари, инсон қалбини ларзага солувчи даҳшатларини унутмиш қийин. Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилган машъум воқеаларга бағишланган ҳужжатли фильми томоша қилган бутун халқимиз кўнглидан ана шу ўй-хаёл ўтганлигига улар билдирган фикрлардан яна бир бор амин бўлдик.

Номоз РЎЗИКУЛОВ,
шаҳар Халқ таълими бош
бошқармаси бошлигининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича бошлиқ
ўринбосари:

— 16 февраль воқеаларига бағишланган ҳужжатли фильми кўрар эканман кў-

зимдан ёш чиқиб кетди. Фильмда бирма-бир намойиш этилган бир вақтлар барчани кўзини қувнатиб турган, хунрезлик туфайли вайронага айланган осмонўпар биноларни, бегуноҳ тўкилган қонлар-у, бемавруд ҳазон бўлган инсонларни кўрган ҳар қандай одам кўз ёшини тўх-

тата олмаса керак. 16 февраль тонгида ўз уйдан, жигарлари бағридан не-не эзгу ниятлар билан остона хатлаб турли юмуш ва ўқишга отланган бу гуноҳсиз инсонлар тақдирига шундай аянчли қисмат ёзилганлигини ким билибди дейсиз. Уша машъум кунда разолат қурбони бўлганларнинг руҳи ҳақи, ўз отаси ва фарзандидан айрилганларнинг кўз ёшлари ҳақи, ҳурмати барчамиз огоҳ ва хушёр бўлмоғимиз даркор. Таълим масканларида, маҳаллаларда, ёш авлод онгида, улар юрагида маънавий бўшлиқ ҳосил бўлмаслигига эришмоғимиз лозим ва шарт.

**Бахтиёр АБДУЖАББОРОВ,
республика кўзи ожизлар
жамиятига қарашли Тошкент
чўтка ва картон
маҳсулотлари ишлаб
чиқариш ўқув комбинати
раҳбари:**

Февраль воқеаларининг бўлиб ўтганига салкам беш ой бўлаётган бўлсада, ҳамон қалбимиз ларзада. Айниқса куни кеча ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильми яна кўпчиликнинг қалбида яшириниб ётган тугённи уйғотди. Юртига, юртбошисига, ўз туғишганига чоҳ қазиган бундай кимсаларни

вахшийлар деб аташдан бошқа иложимиз йўқ.

Озод юртимизни бугунги кунда қанчадан-қанча давлатлар тан олиб ҳамкорликда иш юритмоқда. Наҳотки бу ақидапарастлар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиб, тинч-тотув яшашга интилмасалар.

Баъзи содда ўғлонларнинг адашиб, бу нотўғри йўлга кириб қолганликлари ва уларнинг Юртбошимиз томонидан кечирилшининг ўзи ҳам Президентимизнинг қанчалар олижаноб ва одил инсон эканликларидан далолат беради. Бизнинг одамларга тинчлик керак. Ва мана шу тинчликни мустаҳкамлаш йўлида бор кучимизни сарфлашимиз лозим.

ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳокими ўринбосари Э. Эрназаров раислигида давлат тили ва топонимия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда жойларда давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг бажарилиши юзасидан текширувларнинг натижалари тўғрисида сўз борди. Чунончи, Бектемир тумани, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва шаҳардаги бир қатор ўқув юртлири мисолида умуман «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун талабларини амалга ошириш ишлари тўғри йўлдан бораётганлиги қайд этилди. Жумладан, бу ерларда асосан барча ҳужжатлар ўзбек тилида юритилади. Кўчалар, мактаблар, қатор ташкилот ва муассасаларнинг номлари тартибга солиноқда.

Бироқ, қатор ҳолатларда давлат тили тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишига йўл қўйилмоқдаки, бу қонун олға сурган вазифаларни ҳал этишга муносабатларни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Жумладан, шу жиҳатдан Чилонзор туманидаги дарслар рус тилида олиб бори-

ладиган 168-мактаб ишини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда педагоглар ҳам, шунингдек мактаб ўқувчилари ҳам «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун талабларига зарур масъулият ва ҳурмат билан қарашади.

Бу йил «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 10 йиллиги миллий байрам сифатида нишонланади. Шу муносабат билан мажлисда ушбу қутлуғ санага жиддий тайёрланиш зарурлиги, давлат тили бўйича туман комиссияларининг ишларини кучайтириш, қонун талаблари таъсирчанлигини ошириш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини ошириш, кадрларни қайта ўқитиш ва барча ҳужжатлаштириш ишларини давлат тилига ўтказиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда, шунингдек, топонимия комиссияси аъзоларининг пойтахтнинг айрим кўчалари номларини ўзгартириш, 16 февралда ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги таклифлар билдирилди.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ РИВОЖИ УЧУН

Мустақиллик йилларида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлашувига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган муҳим тадбирлар, соғлом авлод тарбияси бўйича қабул қилинган қонунлар, Фармон ва қарорлар ҳаммага маълум. Жумладан, 1998 йилнинг 10 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Президент Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу мақсадларга қаратилганди.

Пойтахт ҳокимлиги, шаҳардаги туман ҳокимликлари ҳамда шаҳар ташкилотлари ва муассасалари, жамғармалар, жамоат ташкилотлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини оширишга қаратилган кўпгина хайрли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Яқинда шаҳар ҳокими томонидан юқорида келтирилган Фармон ва ҳукумат қарорини бажариш мақсадида қабул қилинган қарорда шулар таъкидланди. Айни пайтда қарорда юқоридаги ҳужжатлар асосида пойтахтимизда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар, бу борада ташкилот ва муассасалар олдида турган вазифалар аниқ кўрсатиб берилди. Чунончи, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, халқ таълими бош бошқармаси, маданият ишлари бош бошқармаси ва бошқа тегишли идоралар, барча туман ҳокимликлари, шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармаларига биргаликда ўзаро келишган ҳолда бир ой муддат ичида:

— жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурининг бажарилишини таъминловчи аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш;

— ҳар бир туманда маҳалла спорт-соғломлаштириш клубларини ташкил этиш;

— аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт мусобақаларига жалб этиш тизимини ишлаб чиқиш;

— ҳафтанинг ҳар чоршанбасида ўтказиб келинаётган «Югуриш куни», ҳар якшанбасидаги «Маҳалла спорт куни» тадбирларига аҳоли кенг қатламларини жалб этиш каби вазифаларни бажариш топширилди.

Шунингдек, идоровий мансублигидан қатъи назар, шаҳар ҳудудидаги барча спорт иншоотларини хатловдан ўтказиш, улардан самарали фойдаланиш, ана шу спорт иншоотларида 15 ёшгача бўлган болалар ва ногиронларнинг спорт билан беғул шугулланишларини ташкил этиш белгилаб қўйилди.

Ҳоким қарори билан тасдиқланган давлат дастурини амалга ошириш бўйича тадбирларда ногиронлар учун жисмоний тарбия, спорт клубларини, соғломлаштириш гуруҳлари ва секцияларини ташкил этиш, уларни мураббийлар, тиббий хизмат, спорт анжомлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ёшлар ва болаларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида оддий спорт иншоотларини ҳашар йўли билан бунёд этиш вазифаси юкланди. Шунингдек, тадбирларда ҳар йили спортнинг миллий турлари, халқ ўйинлари бўйича туман мусобақалари, икки йилда бир марта Тошкент шаҳар фестивалини ўтказиб бориш ва бошқалар кўзда тутилган.

Юртимизда ўқитиш, билим бермоқ шарафли касблардан ҳисобланади. Шунини инобатга олиб, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилги махсус қарори билан «Устоз» жамғармаси ташкил этилди. Республикаимиздаги мутахассислар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш бўйича ва ўқитувчи муаллимларга илгўр хорижий тажрибаларни ўргатишдаги катта масъулият ҳам ушбу жамғарма зиммасида. Утган йили Ватанимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўллаб, аниқроғи 28 йўналиши устувор йўналиш деб танлаб олиниб, бу соҳалар бўйича «Устоз» жамғармаси ўз олдида танлаб қўйган мақсад ва вазифаларни адо этишга киришганди. Мана шу йўналишларнинг натижалари ҳақида жамғарманинг ижрочи директор муровини Абдунаби Пардаев куйидагиларни сўзлаб берди.

— Жамғармамиз зиммасида бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, иш кўриш режалаштирилган. Шунинг учун ҳам маркетинг, менежмен, бизнесни бошқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, телекоммуникация, журналистика соҳалари бўйича жами — 28 та йўналиш танлаб олинган. Утган йили 166 та грант совриндорлари, бу йил эса 150 та профессор-ўқитувчиларимиз «Устоз» жамғармасида шугулланмоқдалар. Улар икки босқичда ўз малакаларини оширадilar. Биринчи босқичда жамғармамиз ҳузуридаги замонавий компьютер марказида таълим

оладилар. Бу таълим бешта дастур бўйича олиб борилади.

«УСТОЗ»НИНГ МЕҲРИГИЁ НИГОҲИ


— Мана шу сабоқлар, малака ошириш ишлари қандай самаралар бермоқда?

— Урта махсус таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида 40 нафар ўқитувчимиз АҚШнинг Нью-Йорк университетида бўлишиб, шу университет тизимидаги касб-ху-

нар мактабларининг тажрибаларини ўрганиб қайтишди. Натижа шу бўлдики, бизнинг вакилларимиз Америкадаги ўқув тизими дарсликларидан энг намунали қўлланмаларни ўзбек тилига таржима қилиб, уни Ўзбекистонда чоп этишди.

Бундан ташқари 15 киши Жанубий Кореядаги таълим марказларида бўлиб келишлари ҳам таъминланди. Уч нафар вакилларимиз алоҳида грант бўйича Малайзияда ва яна 15 нафари Англия, Германия, Австрия каби мамлакатларда ўз малакаларини ошириб қайтишди. Айни шу кунларда тўрт нафар ўқитувчи муаллимларимиз «Интан» дастури бўйича Малайзия таълим марказларида тажриба орттиришмоқда. Яқинда педагогика йўналиши бўйича грантларни қўлга киритган 35 нафар ўқитувчиларимизни АҚШнинг Мерленд университети тизимида жўнатиш ва уларнинг малакаларини ошириш учун барча имкониятларни яратиш бўйича ишларни охирига етказяпмиз. Умуман олганда жамғарма ўз номидан келиб чиқиб, келгусида янада улкан режаларни амалга оширишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган.

Фатхулла ҲИКМАТОВ.



Бугунги кунда Сирғали туманида ана шундай осмонўпар бинолар қад кўтарган.

Рустам Шарипов олган сурат.

Қурилиш ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Усмон Носир кўчасидан ўтмаган киши бўлмаса керак. Зеро, бу кўчада кўркам уйлари, озиқ-овқат дўконлари, маданий-маиший шохобчалар ва бозорчалар мавжуд. Лекин анча вақтдан бундан кўчадаги бир бино таъмирталаб бўлиб ётган эди. Хозирги кунда бу ерда «159-трест» очик турдаги акционерлик жамиятига қарашли 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бинода таъмирлаш ишини бошлаб юборишди.

— Ҳар бир ишни қайта қилгандан кўра бошидан бошлаган афзал, албатта имконият бўлса, — дейди 9-қурилиш бошқармаси бошлиғи Аъзам Шодиев. — Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан иш тутиш ҳам кони фойда. Биз ҳам шундай қилаёلمиз. Бу бинода 40 хонадон истиқомат қилади. Биринчи қаватида дўконлар ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашади. Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида бино фойдаланишга топширилади. Айни вақтда 100 дан ортик қурувчиларимиз самарали меҳнат қилишмоқда.

Гулбаҳор МҮМИНОВА.

Халқ хўжалигининг барча етакчи тармоқларида бўлгани каби республикамиз темир йўли соҳасида ҳам иқтисодий ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-ҳиссадорлик компанияси бошқаруви режасидан ҳам бу йилги муҳим соҳавий-техникавий тадбирлардан бир қанчаси ўрин олган.

Юк жўнатиш ва тушириш, йўловчилар ташишни ташкил этиш жараёнларида сифат ва миқдор кўрсаткичлари сезиларли яхшиланиб бормоқда. Натижада кўплаб иқтисодий самарага эришилмоқда. Электр таъминоти хизмати ҳам кенг йўлга қўйилиб, компания тар-

ҳавий корхона фаолият кўрсата бошлади.

Компания япониялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ҳам янги корхоналарни бунёд этишга киришди. Шу ўринда республикамиз пойтахтида қад ростлаётган вагон таъмирлаш заводи кўрсатиб

Транспорт

ТЕМИРЙЎЛ ТАРМОГИНИНГ КЕЛАЖАГИ

моқларини электр энергияси билан таъминлаш, энергияни тежаш бўйича қатор ютуқларга эришилди. Капитал қурилиши соҳасида белгиланган янги темир йўллари бунёд этиш ишлари режали асосда давом эттирилмоқда. Хусусан, Навоий — Учқудуқ — Султонўзда — Нукус, ва Фузур — Бойсун — Кумкўрғон масофалари қурилиши олиб борилди. Қизилқум фосфорит комбинатида корхона темир йўли тикланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, компания тасарруфида хозир қатор янги корхоналар ҳам бунёд этилмоқда. «Ўзтемирйўли-фраструктура» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тузилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Мазкур янги бирлашма бир-бирига боғлиқ — йўл хўжалиги, алоқа ва сигналлаштириш, электр таъминоти корхоналаридан ташкил топди. Унинг таркибида 12 та со-

ўтиш жоиздир. Мазкур корхонанинг қуриб битказилиши билан темир йўлларда қатнайдиغان поезд вагонларини созлаш ишлари сифат жиҳатидан янада яхшиланади.

Осиё тараққиёт банки катта қийматдаги заём ажратиш лойиҳасини маъқуллади. Бу эса Тошкентдан Ховос орқали Самарқандгача бўлган 320 километрли темир йўлни янгилаш имконини беради. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки яна қатор лойиҳаларни компанияга тақдим этди.

Бу йил республикамизга кўплаб электровозлар олиб келинадиган бўлди. Бунда Европа ривожланиш ва тараққиёт банки томонидан берилмайдиган кредит муҳим ўрин тутди.

Шу тариқа мамлакатимиз темир йўллари тармоғининг истиқболлари кўзга ташланиб бормоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

9.10 «Кусто командасининг сувоисти саргузаштлари».

30-КАНАЛ

9.05 «Муסיкий тонг». Муסיкий-дам олиш дастури.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.15 «Шумтакалар». Мультсе-риал.

РЖТ

5.00 «Хайрли тунг!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!».

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

ЖУМА, 16

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

ушун. Физика.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.20 «Шумтакалар». Мультсе-риал.

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Тиг устида югараётганлар».

30-КАНАЛ

9.05 «Муסיкий тонг». Муסיкий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тунг!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

эртага».

30-КАНАЛ

9.05 «Муסיкий тонг». Муסיкий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тунг!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

ма» Бадий фильм.

30-КАНАЛ

9.05 «Муסיкий тонг». Муסיкий-дам олиш дастури.

РЖТ

5.00 «Хайрли тунг!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси.

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

ШАНБА, 17

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

УзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Таъмирлаш муносабати билан куйидаги кўчалар чироклари ўчирилади:

Мирзо Улугбек тумани

● Хиротжалол, Шалоло, Иқбол ва Гулсанам кўчалари;
● Содиқова кўчаси троллейбуснинг шоҳ бекатидан то Оққўрғон (Новомосковская) кўчасигача.

А.Икромов тумани

● Ўрикзор даҳаси Нур кўчаси.

С.Раҳимов тумани

● Бобононов кўчаси Ҳ.Асомов кўчасидан то Жомий ҳалқасигача;
● Мирзомир кўчаси, Парвариш тор кўчалари;
● Сағбон 13,15 тор кўчалари.

Миробод тумани

● Октябрь инқилоби кўчаси;
● 8 Март кўчаси.

Бектемир тумани

● Б.Нозим, Соловьев ва Шамсиев кўчалари.

Чилонзор тумани

● Фарҳод кўчаси Муаллимлар билим юртидан то Чилонзор метросигача, чап томони;
● Халқлар дўстлиги кўчаси Муқимий кўчасидан то Чопонота кўчасигача.

Шайхонтохур тумани

● А.Қодирий кўчаси У.Юсупов кўчасидан то Ш.Рашидов шоҳ кўчасигача, ўнг томони.

Ҳамза тумани

● Иззат кўчаси Шолохов кўчасидан то Алиев кўчасигача;
● Кўламли кўчаси;
● Ҳаваскор кўчаси;
● Илтифот кўчаси;
● Ширмонбулоқ кўчаси;
● Хуснобод кўчаси 1, 25 тор

кўчалари билан;

● Исоқ Исмоилов кўчаси;
● Икромов кўчаси;
● Қалдирғоч кўчаси;
● Инқилоб кўчаси;
● Мурувват кўчаси;
● Лисунов 4 даҳаси 22,33,41^а

уйлар атрофи;

● Ғалабанинг 40 йиллиги 2 даҳаси 80-уй атрофи;
● А.Турдиев кўчаси.

Вақтинчалик шаҳар ёритиш тармоқларини ўчириш билан боғлиқ бўлган ноқулайликлар учун Тошкент шаҳар аҳолисидан узр сўраймиз.

Хавфли ҳолатларни бартараф этиш учун «Maxsusnur» ташкилотининг марказий нозимхонасига куйидаги — 133-16-19 ва 133-35-64 рақамларга қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.

«Toshshaharnur» бирлашмаси.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

«Кўкча оқтепаси» майдонида жойлашган «Қурилиш моллари» бозори Ўрикзор даҳасидаги «Карвон бозор» улгуржи савдо комплексига кўчирилиши муносабати билан «Карвон бозор» УСҚда фаолият кўрсатишни истаган тадбиркорлар «Карвон бозор» маъмуриятига 1999 йилнинг 8 июль кунидан бошлаб мурожаат этишлари лозим.

«Карвон бозор» маъмурияти.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри,

Акмал Икромов тумани,

«Ўрикзор» даҳаси.

125, 182, 62, 53-автобусларининг

«Карвон бозор» бекати.

Маълумот учун телефон: 170-62-57



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЭЛЕКТРОН АТСлар ХИЗМАТИДАН ҲОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Электрон АТСлари ўз абонентлари учун хизматлар кўрсатиш бўйича чекланмаган имкониятларга эгадир. Куйида биз Сизларга энг оммабоп кўшимча хизмат турларини таклиф этамиз:

РАҚАМНИ ҚИСҚАРТИРИЛГАН ҲОЛДА ТЕРИШ

Сизга ҳар бир 6-7 сонли рақамга код бериладиган рақамлар кутубхонасини ташкил этиш йўли билан шу рақамларни теришда вақтингизни тежашга имкон яратлади.

РАҚАМНИ ТЕРМАСДАН УЛАШ

Сизга ўзингизга керакли телефон рақами билан доимий тезкор алоқа боғлаб туриш имкониятини беради. Сиз уни дастурга киритишингиз мумкин ва шунда дастакни кўтаришингиз билан 5-10 сония ўтгач, автоматик тарзда улашиш юз беради.

РАҚАМ ТЕРМАСДАН ҚАЙТА ЧАҚИРИШ

Сизга айна пайтда ким биландир сўзлашаётган абонентга қўнғироқ қилиб улашишингизга имкон яратади. Бунинг учун «банд» сигналинини эшитишингиз билан керакли тугмачани боссангиз бас — Сиз чақираётган абонент рақами сўзлашув туггани захоти Сизнинг рақамингиз билан автоматик суратда уланади.

**ЯНГИ ҚўНҒИРОҚ БўЛАЁТГАНИ ТўҒРИСИДА
ОҒОҲЛАНТИРИШ**

Бир абонент билан телефон сўзлашиб турган вақтингда Сизга қўнғироқ қилишга уринишаётгани тўғрисида оғоҳлантирувчи товуш сигналларини эшитишингизга имкон беради. Бунда сиз ким билан гаплашишни ўзингиз танлайсиз ёки сўзлашувни тугатиб, янги қўнғироққа жавоб бериш ёхуд ҳар иккаласи билан навбатма-навбат сўзлашувни амалга оширишингиз мумкин.

**КИРИШ АЛОҚАСИНИНГ ВАҚТИНЧАЛИК
ТАҚИҚЛАНИШИ**

Сизга келувчи барча қўнғироқларни вақтинчалик тўхта-тишингизга имкон беради.

**КИРИШ ҚўНҒИРОҚЛАРИНИ (АТС ичида) БОШҚА
МАНЗИЛГА ўТҚАЗИШ**

Сизга бўлаётган барча қўнғироқларни сиз кўрсатган ҳар қандай телефон рақамига ўтказишга имкон беради.

**КИРИШ ҚўНҒИРОҚЛАРИНИ АВТОМАЪЛУМОТЧИГА
ўТҚАЗИШ**

Чақираётган абонентга тайёрлаб қўйилган овозли маълумотни етказишга имкон беради.

**ЧАҚИРИЛАЁТГАН АБОНЕНТНИНГ БАНДЛИГИ ҲОЛИДА
КИРИШ ҚўНҒИРОҚЛАРИНИ КОТИБАГА ЁКИ БОШҚА
АППАРАТГА ўТҚАЗИШ**

Сизнинг рақамингиз банд бўлган ҳолатда қўнғироқларни Сиз томонингиздан кўрсатилган рақамга қайта йўналтиришга имкон беради.

**КИРИШ ВА ЧИҚИШ АЛОҚАСИНИНГ ВАҚТИНЧА
ТАҚИҚЛАНИШИ**

Сизга пароль ёрдамида ҳеч ким Сизнинг розилигингизсиз телефонингиздан қўнғироқ қила олмаслигини таъминлайди. Шундай йўл билан Сиз нафақат шаҳар ичидаги,

балки халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувларга ҳам тўсик қўйишингиз мумкин.

**АБОНЕНТНИ БУЮРТМА БўЙИЧА ЧАҚИРИШ
(УЙҒОТИШ, ЭСЛАТИШ)**

Сизга ўз телефонингиздан қўнғироқчали соат ўрнида фойдаланишга имкон беради, керакли вақтни кўрсатди-дингизми — хотиржам бўлинг: телефонингиз Сизга панд бермайди.

**АБОНЕНТ ИЛТИМОСИГА КўРА ЧАҚИРАЁТГАН
АБОНЕНТ ТЕЛЕФОН РАҚАМИНИ АНИҚЛАШ**

Сизнинг хоҳишингиз бўйича станциядан кириш қўнғироқлари қилаётган телефон рақамларини аниқлашга имкон беради.

КОНФЕРЕНЦ-АЛОҚА

Сизга бир вақтининг ўзида 3 та ва ундан ҳам кўпроқ абонентлар билан сўзлашиш имконини тўғдиради.

СўЗЛАШУВ ПАЙТИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТўПЛАШ

Сизга керакли маълумотларни олиш учун учинчи абонент билан вақтинчалик улашишни ташкил этишга имкон беради.

ЭСЛАТИВ ўТАМИЗ!

Электрон АТСнинг ушбу имкониятларини амалда қўллаш учун рақамлар тонал равишда териладиган телефон апаратига эга бўлиш керак.

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» очик турдаги акционерлик жамияти.

Иссиқкўлда дам олиш!**«Дилором» пансионати (оромгоҳи)**

Чолпон-Ота шаҳрининг ёнида хушманзара ярим оролда жойлашган.

Пляж яқинидаги 2-4 ўринли коттежларда яшаш учун барча имкониятлар бор. Спорт майдонлари, дискотека, видеосалон, чойхона ва барлар дам олувчилар ихтиёридадир.

Дам олувчилар кунига 3 маҳал овқат билан таъминланади. Улар учун Иссиқкўлнинг хушманзара тоғларига саёҳатлар уюштирилади.

Пансионат (оромгоҳ) 20 июндан 10 сентябргача дам олувчиларни қабул қилади.

12 кунлик йўлланма нархи 30200 сўм.

«Мерседес» шинам ва қулай автобусида йўлқира ҳақи ҳам киради.

Тўловларни нақд пул орқали ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали амалга ошириш мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67, «Асака» банкнинг касаба уюшма кўмитаси.

Тел: 120-82-20, 120-82-56.

**О.МАДИНТИЗ
КЕЛСИН!**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР АЁЛЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ «МЕҲР-МУРУВВАТ» пуллик лотереяси билетлари сотувга чиқарилди. Лотереядан тушган барча маблағлар кўп болалик ҳамда кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам сифатида сарфланади.

Мурувватингизни дариф тутманг ва лотереямизда иштирок этиб, савобли ишга ўз ҳиссангизни қўшинг.

1999 йил 18 декабрда ўтказиладиган ютуқлар тиражида ЮЗ сўмдан МИЛЛИОН сўмгача бўлган пул ютуғининг соҳиби бўлиш имкониятингиз бор.

Лотерея билетларини алоқа бўлимлари, матбуот шохобчалари ҳамда жамоат тарқатувчиларидан харид қилишингиз мумкин.

**«МЕҲР-МУРУВВАТ»
ЛОТЕРЕЯСИДА ОМАД СИЗГА
ЁР БўЛСИН!**



**Ихчам, 4 хонали уй
сотилади. 2,5 сотих.
Барча қулайликлар
мавжуд. Газ, телефон,
канализация,
автомашина учун
дарвозахона.
Метронинг «Ёшлик»
бекати ёнида.
Тел. 56-24-82.**

САЛОМАТЛИК
Оздирамиз, семиртирамиз, соғломлаштирамиз. Қиммат. Телефон: 79-17-95.

Кўлда тўқилган қадимги гиламларни
СОТИВ ОЛАМАН
Телефон: 65-39-25, пейжер (067) 33-32.

Тошкент шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи 5 та нотариуслик лавозимига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

МИЛЛИЙ ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Ишдан қайтиб, оила даврасида «Ойнаи жаҳон» қаршидада маданий ҳордиқ олмайдиған киши топилмас керак. Айниқса, одоб-ахлоқ, инсонийлик, меҳр-оқибат мавзудаги турли хил кўрсатувлар халқимизга манзур бўлиб келмоқда. Ана шундай кўрсатувлардан бири «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» бўлиб, уни кўп йиллардан буён севиб томоша қиламиз. Мана шундай дилга яқин кўрсатувларни тайёрлашда тинимсиз меҳнат қилиб келаётган «Ойнаи жаҳон» ортидаги фидойи, заҳматкаш ижодкорлари режиссёр ва актёрларнинг ҳиссалари каттадир. Уларнинг номлари, чехралари, ижро этган роллари телеэкран орқали ҳаммамизга яхши таниш ва қадрдон. Бугунги суҳбатдошимиз ана шундай фидойилардан бири — режиссёр Мираббос Мирзааҳмедовдир.

— Мираббос ака, сиз кўп йиллардан буён «Ёшлик», ҳозир «Умид» муҳарририятида режиссёрлик қилиб келяпсиз. Режиссёрлик касбининг моҳияти, машаққатли кувончи ҳақида фикрингизни билишни истардик...

— Режиссёрнинг меҳнати унинг саҳналаштирган асарида яққол намоён бўлади. Яхшими, ёмонми, унга томошабин биринчи бўлиб баҳо беради. Шунинг учун режиссёрнинг шуҳратидан кўра масъулияти ортиқроқ. Актёрлар кўпроқ кўринади ва элга танилади. Режиссёр эса ҳаммиша саҳна ортида ҳаяжонда, хавотирда бўлади. Ҳар бир ҳаракат, ҳолат унинг синчков кузатуvidан ўтади. Унинг кувончи эса у яратган томошанинг халққа манзур бўлишида.

— Режиссурага кириб келган йилларингиз, устозларингиз ҳақида сўзласангиз...

— Тошкент театр ва рассомчилик — ҳозирги Санъат институтининг актёрлик факультетида кечки бўлимда

ўқиб, кундузи чинни заводидида ишлаганман. 1965 йил институтни тамомлаб, «Ёшлик» студиясига ишга келдим. Аввал режиссёр ёрдамчиси, режиссёр ассистенти ва кейинчалик режиссёр бўлиб ишлай бошлади. Биринчи устозларим — Элбек Мусаев, Эргаш Каримов, Мели Маҳкамовдек таниқли режиссёр ва фидойи инсонлар. Уларнинг меҳнатларини,

мойиш қилинган, таҳририятимизга жуда кўплаб мактублар келади. Уларнинг ҳар бирини очиб ўқиймиз. Тошошабинлар ўз фикр-мулоҳазаларини ҳаяжон билан ёзишади, таклифлар билдиришади. Шунингдек, ўз ҳаётларида учраётган баъзи ташвишли воқеаларни ёзиб, кўрсатув тайёрлаб, намоиш қилишимизни сўрашади.

Диллашуз

ЭЗГУЛИКНИ
ҚАДРЛАБ КЕЛАДИ

маслаҳатларини доимо қадрлайман. Бундай тажрибали инсонлар билан кўп йиллар ҳамкор, ҳамнафас бўлиб ишлаганимдан бахтиёрман.

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», телеминиатюралар, «Романтика» телевизион театрлари, таниқли ёзувчи Ў. Ҳошимовнинг «Қалбнига қулоқ сол», «Баҳор қайтмайди», П. Қодировнинг «Уч илдиш», «Эрк», О. Ёкубовнинг «Излайман», «Биллур қандиллар» асарларини ҳамкорликда саҳналаштирганмиз.

— «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг асосий ғояси, ундаги воқеалар айнан ҳаётимизни ёки махсус ёзиладими?

— Бу кўрсатув бир ойда бир марта, гоҳида икки марта намоиш қилинади. Унинг ғояси, мавзуси асосан оила, инсонийлик, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, инсонни қадрлаш, ота-онага муносабат бўлиб, халқимиз бу кўрсатувни севиб томоша қилади ва ориқиқ кутади. Ҳар гал кўрсатув на-

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувини асосан хатлар, шунингдек, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Тўра Мирзо, Абдусайд Кўчимов, Салоҳиддин Сирожиiddинов, Мавжуда Турсунова сингари ёзувчи ва драматургларнинг асарлари асосида тайёрланиб, саҳналаштирилмоқда.

— Кўрсатувни тайёрлаётганингизда кўпроқ қандай ҳолатларга аҳамият берасиз?

— Биринчидан асар воқеасига кўпроқ эътибор бераман. Кейин актёрларни танлаш, тасвирга олинадиган жой, ижрочиларнинг кийинишига аҳамият бераман. Рихсивой Авазов, Фатхулла Маъсудов, Ҳакима Отахонова, Зуҳра Ашурова, Ботир Муҳаммаджонов, Тўйчи Орипов, Теша Мўминов, Саида Раметова ва бошқалар «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг доимий актёрларидир. Улар ижро этган роллар томошабин қалбини ларзага солмай

қўймайди. Доимий муҳаррир Мавжуда Турсунова, тасвирчилар — Музроб Аҳмедов, Рустам Соатов, Шавкат Мирзааҳимов, Қудрат Ғуломовлар режиссёр ғояларини кадрда намоён қилиб берувчилар, бизнинг тилимизда уларни «режиссёрнинг кўзи» дейишади.

— Мираббос ака, сиз режиссёрлик қилган қатор видеофильмлар, айниқса, Алп Жамол асари асосида яратилган «Тойчоқ» видеофильми томошабинлар олқишига сазовор бўлди...

— «Тойчоқ» видеофильми ўзининг ҳаётимизга, актёрлар — Лутфулла Саъдуллаев, Гулчехра Саъдуллаева ҳамда Фатхулла Маъсудовлар ўз ролларини қиёмага этказиб маҳорат билан ўйнаганлиги унинг муваффақият қозонишига сабаб бўлди.

— Айни кунларда қандай янги кўрсатувлар устида ишлаяпсиз?

— Ҳозир «Ўзбектелефильм» студиясида Мирзааҳмад Олимов асари асосида «Менинг шотландиялик дўстим» деб номланган болалар учун бадий фильм суратга олинмоқда. Шунингдек, Жамолиддин Асомиддиновнинг «Кувғин» асари асосида янги видеофильм, Салоҳиддин Сирожиiddиновнинг «Мени кечир, болажоним» номли кўп қисмли видеофильм устида иш олиб борапмиз.

— Ҳозирги ёшларга тилакларингиз...

— Ёшларимиз маънавий, ахлоқий, жисмоний соғлом, инсофли, юртимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида собитқадам бўлишларини тилайман.

«Камтарга камол» деб бежиз айтишмайди. Ўз касбининг фидойиси, меҳнатсевар, камтарин инсон Мираббос Мирзааҳмедов ҳозир қизгин ижод, изланиш палласида.

Суҳбатдош
Дилором ИКРОМОВА.

Танловлар

ДАВР ИЗЛАНИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА

Касаба уюшмалари ҳаракатини кенг ёритиш, улар орқали меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимдонлигини, иқтисодий саводхонлигини ва маънавий савиясини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг раёсати жорий йилнинг бошида пойтахт меҳнат ва ўқув жамоаларида кўп нусхадаги газеталарнинг шаҳар танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Пойтахт касаба уюшмалари Кенгашининг ташаббуси билан ўтказиладиган шаҳар танловининг асосий мақсади 1999 йил — республикада ўтказилаётган касаба уюшмаларининг ҳисобот-сайлов йилида кўп нусхадаги газеталар саҳифаларида касаба уюшмалари ҳаракатини кенг ёритиб бориш, улар орқали меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимдонлигини, ижтимоий-иқтисодий саводхонлигини, маънавий савиясини ошириш бўлиб, кишиларнинг дунёқарашини ўзгартиришда, истиқлолнинг буюк аҳамиятини англаб етишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги пайтда пойтахтдаги меҳнат ва ўқув жамоаларида 15 та кўп нусхадаги газета давлат ва рус тилларида ҳафтада, ойда бир маротабадан нашр этилмоқда. Уларнинг саҳифаларида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, Республикада рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, янгилар билан бир қаторда меҳнат жамоаларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, меҳнат аҳлининг турмуш тарзи, ишчи сулоалари, меҳнат фахрийлари ҳақидаги мақолаларни ўқиш мумкин.

Олий ўқув юртларида нашр этилаётган газеталарда билим даргоҳларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, касаба уюшма кўмитасининг фаолияти, маданий-тарбиявий, спорт ишлари бўйича тадбирлар, талабаларнинг ўқиши ва яшashi борасидаги муаммолар, бўш вақтни мазмунли ўтказиш каби мавзулар ёритиб борилмоқда.

Газеталарда жамоа шартномаси каби муҳим юридик ҳужжатлар ёритилиб, улар муштарийлар ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Жамоа шартномасининг ютуқ ва камчиликлари, уларга киритилган ўзгаришлар газеталарда ўзининг аксини топган.

Хусусан, «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятининг яқинда ўзини ташкил топганлигининг 35 йиллигини нишонлаган «Тракторсоз-Тракторстрой» кўп нусхадаги газетаси корхона ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётининг кўзгусига айланган. Унинг саҳифаларидан ватанпарварлик, миллатлараро тоғувлик, касаба уюшма кўмитасининг фао-

лиятига, меҳнатда ва жамоатчилик ишида ибрат бўлган ёшлар ва аёлларга, жамоа шартномасининг бажарилишига бағишланган мақолаларга кенг ўрин берилмоқда.

В. П. Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг «Авиасоз-Авиастроитель» кўп нусхадаги газетасида ҳам мазкур муҳим мавзуларга катта эътибор қаратилмоқда.

Тошкент давлат 1-тиббиёт институтининг «Шифокор» кўп нусхадаги газетасида ватанпарварлик, миллатлараро тоғувлик, маънавий қадриятларимиз, ёшларнинг тарбиясига бағишланган қатор қизиқарли мақолалар чоп этилмоқда.


Шубҳасиз, мазкур танлов кўп нусхадаги газеталарнинг касаба уюшма ҳаракатини ёритиш борасидаги фаолиятини жонлантириш, унинг муҳлислари учун янада қизиқарли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Танлов 1999 йил давомида ўтказилиб, унга 2000 йилнинг январь ойида яқун ясалади. Танловда голиб чиққан газета жамоаларидан учтаси шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг Фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотлари билан, танловда фаол иштирок этган кўп нусхадаги газеталарнинг жамоалари эса рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар. Вақтининг қадрига етиб, сермаҳсул ижод қилган қаламкашларга эзгу ниёт йўлидаги ишларида омад ҳаммиша ҳамроҳ бўлсин.

Улғибек ПЎЛАТОВ



Спорт турларига хос рақс ўйинлари.



Жуда мазза...

Турфа олам

ОЗОДА
ЧУГУРЧУҚЛАР

Озодалик — соғлиқ гарови. Буни ҳатто қушлар ҳам «тушуншар» экан. Чуғурчуқлар билан тажриба ўтказган америкалик олимлар ана шундай тўхтамага келишди. Чуғурчуқлар ўз уйларида бир неча йил мобайнида яшайдилар ва улар ҳар йили бу уйлари маълум бир ўсимликнинг ёш, мустаҳкам новдалари билан ўрайдилар.

Кузатишлардан аниқланишича, ёш новдалар ўзидаги аллақандай моддалар билан турли хил бактерияларнинг ривожланишига ва паразитлар кўпайиб кетишига тўсқинлик қилар экан. Бундан ташқари яна бошқа қушлар ҳам агар ўзларининг инларидан бир неча мартаба фойдалансалар, уларни «дезинфекция» қилиб туришар экан.

ЁЗИШМА АСОСИДА
КАРТОШКА

Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша қизиқиши бўлади: кимдир марка, кимдир қадимки тангаларни йиғади. Еласовлик техникму ўқитувчиси Лидия Палутова эса илдиш тугунақларни тўплашни севади.

Ўй, у фақат йиғмайди, балки мичуринчасига тажрибалар ўтказди. Масалан, у дастлаб нўхотдек келадиган картошка уругини экиб, сўнг ҳаддан ташқари катталиқдаги картошка ҳосилини йиғиб олди. Педагог-селекционер ўн йилдан буён картошканинг узок сақланадиган ва мўл ҳосил берадиган ноёб тури устида изланишлар олиб бормоқда. У ўзининг ерини ҳақиқий тажриба станциясига айлантирган бўлиб, эрта баҳордан то кеч кузгача кўнгилдагидек ҳосил олади. Унинг «коллекцияси»да картошканинг 50 дан ортиқ тури бўлиб, буларни у Москва ва Санкт-петербурглик картошкашунос олимлар билан ёзишмалар асосида тўплаган.

Рус тилидан
Маълүба НАБИЕВА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 12

ЎЗТВ I

17.40 «Бешбармоқ». Тележурнал. 18.00 Янгиликлар. 18.10 ЎзТВ экранда биринчи марта. «Денгиз итлари».

ЎЗТВ II

Телетомонабилар даққатга! Профилактика муносабати билан душанба, 12 июль кунин «Ўзбекистон-I».

Болаларнинг ёзи таътил кунларида:

10.05 «Шумтакалар». Мультсериал. 10.20 «Олтин тоғ». Телевизион уйин.

РАТ

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш эфирини «Ким эгил-ким чакан» мульттомосида.

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.

ПАЙШАНБА, 15

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот». 8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.45 Оҳанглар ва эълонлар. 23.55 Саргузашт фильмлар экрани.

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)

16.00 «Севги йўлида».

17.00 «Мультичархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Биллур шарча». 2-серия.

Россия жамоат телевидениеси.

17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп сериали бадий фильм. 18.15 Душанба кунин Познер билан. «Никоьбаги киши» дастури.

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар ливияда профилактика. 15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-хамкор».

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг суворти саргузаштлари».

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!». 6.20 «Хамманнинг оғзида».

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)

13.25, 17.30 — Мультфильмлар. 16.40 «Оддий Мария». Сериал.

18.25 «Тайермисиз ёки йўқ». Усмилрлар учун сериал. 18.25, 01.35 — «Диск-канал».

СЕШАНБА, 13

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот». 8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

Болаларнинг ёзи таътил кунларида:

10.40 «Болалар нашрлари — мехмонимиз». 11.05 Кундузги санас: «Диккат, шаҳарда сеҳргар».

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Кусто командасининг суворти саргузаштлари».

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!». 6.20 «Хамманнинг оғзида».

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)

2-серия. 20.00 «Время».

20.35 «Индаба». Телесериал. 21.25 «Оламда нима гап?».

30-КАНАЛ

9.05 «Мусликий тонг». мусликий-дам олиш дастури. 9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.

РАТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 00.35 — Янгиликлар.

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!». 6.20 «Хамманнинг оғзида».

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!». 6.20 «Хамманнинг оғзида».

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)

ЧОРШАНБА, 14

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот». 8.30 Республика газеталарининг шарҳи.

Болаларнинг ёзи таътил кунларида:

10.30 «Шумтакалар». Мультсериал. 10.45 «Қушигим, жон қушигим».

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Янги авлод» студиясида «Уйна, болажон, уйна».

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт».

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби. 15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)

21.30 «Дил эзбори». 21.40 Ўзбекистон — Болгария. Хамкорлик ва истиқболлари».

22.00 «Вести». 22.30 Оскар мукофоти: «Момакадирокли довон».

30-КАНАЛ

9.05 «Мусликий тонг. Мусликий-дам олиш дастури. 9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.

РАТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.30 — Янгиликлар.

РАТ

6.00 — 8.45 «Хайрли тонг, Россия!». 6.20 «Хамманнинг оғзида».

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга». 9.45, 19.20, 23.50 — «Йул назорати».

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

ПАЙШАНБА, 15

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

Ўтган за ва олийшо бўрилар қўлан ҳамоши робошо со карами биқдан Салмон айладики фарзанд ва саройи гайлар. Сақ топиб олиб бир ерда п робар уйна беш адад етти ашга ширди, бар робошо хур рини наққо мусаввир ости йўлин берди. Шах тодга шогир хунарларини устаси бўли дилар. Дс ҳамма бо шаҳзода Се кам кўмас : бирига алоқ зил-боғ-бу қаср зарри лар қурди беш йўли би ридан бир н ралмасдил шикорда, хи да бўлсин б дилар. Була ёшга етиб ки, бир кун тондан бир ор келиб, Дор бир чиройли чопон соғе Шох ул чопои қурди ва бу зеро чопон сурати хар ки бўлмай қи каердан олди н? Ул савд иқбол-давлат догарлик ки бориб эрди бўлиб, азбар гоҳ бир тарз олибдурлар. Бир мўйсифид айтадур масдин савдчани мен ке леби бўлса ё бўлмаса миз экан. Мен таа дур деб олди га тушиди, м бўхчани очиб сон олибдур эса бул сур шайдоши бўл ва ситамни б бошқача бўл реб ва, рахна айланишидур? дасида неча дур. Ушбу со дан сўрашим лари тайёр б бошладилар. чирдим. Эҳд топилмас. Ҳақ лаб ул чопон сўрадим. Сар анга кўп меҳр дедими, эй би ни) фош қил киши воқиф мени яна ваҳд гал нақдина (ноилшо бўлиб хининг бир ме лайкаий Қамар дур, хар хуна хал ул малика, ни ўз қўли би дур. Ани учун ни иссиғ-сову шаҳзодалар в шаҳ анни орзу лам доно ва ҳ деб, сўзини бу га тушидилар, н Алқисса, но ди. Бинобари айлабдурман д ул тожирга (са натди. Чопон Салмонни ода ди. Бориб шоп догар бир чап ани хазинага ё деб чопоннинг си хузурига од ди. Шох ноило Шаҳзода чопо

ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

Ўтган замонда бир подшоҳ бор эди, ҳукмрон ва олийшон ва баланд унвон, унинг замонида бўрилар қўй боқар, кабутарлар лочинлар бирлан ҳамошона эрдилар. Ул шохнинг исмини Доробшоҳ соний дердилар. Ҳазрат Оллоҳ таоло карами бирлан бир фарзанд кўрди. Анга шаҳзода Салмон деб исм бердилар. Доробшоҳ амр айладики ҳар уйда шаҳзода Салмон баробарида фарзанд вужудга келган бўлса олиб келгайлар ва саройда шаҳзода билан бирга тарбия қилгайлар. Токи ёшлиқдан бирга ўсиб биродар бўлгайлар. Сарҳанлар тараддуд айлаб тўрт ўғилни топиб олиб келдилар. Ота-онасини рози қилиб, бир ерда парвариш айладилар. Ҳаммалари баробар ўйнашар эрдилар. Доробшоҳ фарзандим беш адад деб ҳаммасини тенг кўрарди. Улар етти ёшга тўлгач, ҳаммаларини мактабга топширди, баробар хат-савод пайдо қилдилар. Доробшоҳ хурсанд бўлиб, бирини илму фанга, бирини наққошга шогирдликка берди. Яна бирини мусаввирга (рассом), яна бирини нақибзан (ер ости йўлини қовловчи) устозга шогирд қилиб берди. Шаҳзода Салмонни эса сипоҳгарлик устозга шогирд қилди. Оз фурсатда ҳаммалари ўз

хунарларининг моҳир устаси бўлиб етишдилар. Доробшоҳ ҳамма болаларни шаҳзода Салмондан кам кўрмас эрди. Ҳар бирига алоҳида манзил-боғ-бўстонлар, қаср заррин ниғорлар қурдирди. Бу беш ўғил бир-бирларидан бир нафас ажралмасдилар. Хоҳ шикорда, хоҳ базмда бўлсин бирга эрдилар. Булар ўн тўрт ёшга етиб эрдиларки, бир кун Ҳиндистондан бир савдогар келиб, Доробшоҳга бир чиройли заррин чопон совға қилди. Шох ул чопонни очиб кўрди ва бундай гўзал зебо чопон оламда топилмаса керак деди. Зеро, чопонга бир сурат чизилган эрдиким, ул суратни ҳар қандай ёш ва қари кўрса ҳам, шайдоси бўлмай қолмасди. Шох сўрадики, бу чопонни қаердан олдинг, нима учун бу ерга олиб келдинг? Ул савдогар жавоб бердики, шохо, илоҳи иқбол-давлатинг баланд ўлгай! Мен камина савдогарлик қилиб Сарандиб (Цейлон) вилоятига бориб эрдим. Олиб борган молларимни сотиб бўлиб, азбаройи харид учун бозорга чиқдим. Ноғох бир тарафга кўзим тушди. Одамлар давра олибдурлар. Мен ўшал даврага яқинроқ бордим. Бир мўйсафиднинг қўлида бир бўхчадур, мўйсафид айтадурки ҳар ким ушбу матони очиб кўрмасдин савдо қилса, баҳоси минг тангадир, бўхчани мен кетганимдан кейин очиб кўргай, толеби бўлса бирор нимарса чиқар, агар иқболи бўлмаса минг тангаси барбоддур деб турган экан. Мен таажжуб айлаб, минг танга куйса куюбдур деб олдим. Ул одам минг тангани олиб йўлга тушди, мен саройга қайтиб хужрага кириб бўхчани очиб кўрдим. Ҳаммаси зарриндур, арзон олибдурман деб хушхол бўлдим, кейинроқ эса бул суратга кўзим тушди. Юз жон бирлан шайдоси бўлдим, балки ўзимга бир ортиқча алам ва ситамни олибдурман деб, дарҳол аҳволим бошқача бўлди. Дедимки, бу қандоқ жоду-фиреб ва, раҳнагардурким, мундоғ суратни иншо айламышдур? Анинг зулфи сиёҳтобининг ҳар ўқдасида неча юз ишқ аҳлининг диллари овозондур. Ушбу сохирваш (сехргар) ни зуҳурин кимдан сўрашимни билмадим, ўз дилимининг ўтига дам-бадам кабоб бўлурга бошладим. Савдо ишлари тайёр бўлиб, карвон аҳли юklarини орта бошладилар. Ноилож мен ҳам юklarимни йўлга чиқардим. Ҳар кун ул мўйсафидни қидирардим, топилмас эрди. Охири саройбонга арзи ҳол айлаб ул чопон бирлан суратни кўрсатдим, аслини сўрадим. Саройбон ҳам мўйсафид киши эрди, анга кўп меҳрибонликлар қилур эрдим. Ул киши дедиким, эй биродар, зинҳор бул асрорни (сирни) фош қилмагил, сир тутгилки, агар бирор киши воқиф бўлса ўлим хабари нақддур деб, мени яна ваҳмга солди. Мен унга, яна бир чангал нақдина бериб воқеани сўрадим. Ул киши ноилож бўлиб дедиким, бу ўйинлар Сарандиб шохнинг бир маликаси бордур, анинг исмини маликайи Қамарчеҳра дерлар. Ўзи устод комилдур, ҳар хунарда моҳирдур. Бул бадъий хунар ҳал ул маликадандур. Ҳар олти ойда чопонни ўз қўли бирлан тайёр айлаб, чиқариб сотадур. Ани учунким, бул ваҳжлар бирлан ҳам оламни иссиғ-совуғидин тажриба ҳосил айлагай, кўп шаҳзодалар ва ҳадсиз доно соҳибжамол йигитлар ани орзусида асири хок бўлмишлар. Ўзи ҳам доно ва ҳикмат фунунида устоди комилдур деб, сўзини бул ерга еткурди. Карвон аҳли йўлга тушдилар, мен ҳам ноилож йўлга тушдим.

Алқисса, нон-намак бу вилоятларга олиб келди. Бинобарин, бул чопонни шаҳзодага ҳадя айлабдурман деб, сўзини тугатди савдогар. Шох ул тожирга (савдогарга) кўп инъомлар бериб жўнатди. Чопонни хазиनाга топширди. Шаҳзода Салмонни одамларидан бири сўхбатда ҳозир эрди. Бориб шаҳзодага хабар бердики, бир савдогар бир чопонни сизга олиб келиб эрди, шох ани хазинага беркиддилар, сизга юбормадилар деб чопоннинг таърифини қилди. Шаҳзода отаси хузурига одам юбориб ул чопонни талаб қилди. Шох ноилож бўлиб, чопонни бериб юборди. Шаҳзода чопонни очиб томоша қилиб, қазоро

ул маликайи Қамарчеҳранинг суратига кўзи тушди, шу заҳотиёқ шаҳзода юз жон дил бирлан ошуртайи жамол ва волайи висол бўлиб, бир оҳ жигарсўз тортиб, беҳуш бўлиб йиқилди. Ҳар замон оху нолалар қилиб, ишқ-муҳаббат шарораси вужудини ёндирарди. Ошно-бегона кимлигини билмай ҳижрон асири бўлди. Бу мудҳиш хабар Доробшоҳга етди. Шох келиб кўрдиким, нуридийдаси шундоғ аламларга учрабдур. Шох ўғлидин бу аҳволга тушиш сабабини сўради. Ҳозирлар дедиларки ҳар не бўлган бўлса ушбу чопондин бўлди. Шох амр қилди, дарҳол савдогарни саройдан олиб келдилар. Шох дедиким, эй беидрок мунча қоҳишлар менга бу чопондан етди, сен сабабчи бўлдинг ул тожир дедиким, шохо, бу оламда шаҳзода Салмондек шаҳзодалар кўпдир. Ул маликайи Қамарчеҳрадек парирўх яна топилмағай. Агар ҳаракат айласангиз кўлга кирса ажаб эрмас деди. Тожирнинг сўзи шоҳга мақбул бўлиб, бир неча донишмандларни жаъм айлаб, вазирини сардор қилиб бир нома (хат) тартиб бериб, Сарандиб шохнинг мадҳини дарж айлаб, кўп ҳадялар билан азбаройи хасткорлик (совчилик) учун юборди.

Алқисса, Сарандиб шаҳрига яқин етдилар, Сарандиб шох эшитиб ўзининг бир неча сарҳанларидин истиқболга чиқариб, шаҳарга олиб кириб бир озода жойга туширдилар, хизматда фармонбардор бўлдилар. Яна бир кун даргоҳи олийга азбаройи кўринишга бориб, дуо санодин сўнгра Доробшоҳни номаси бирла ҳадяларини пешкаш айлаб ўтқирдилар. Шундан сўнг то бир ҳафтагача осойиш топдилар. Сарандиб шох малика Қамарчеҳрага маълум

айлади. Сарандиб шох Доробшоҳ мактубига жавоб ёзиб дедиким, эй биродарим агар бошини тиласангиз берурман, бир канизни қурбати қанча бўлмай ва лекин шавҳар (эрга тегмоқ) қилмоқ ихтиёри ул қизимнинг ўзидадур. Мен ҳарчанд илтижолар қилдим бўлмади деб, мактубни тугатиб, элчиларни беҳар сарафроз айлаб жўнатди. Элчилар ўз пойтахтларига қадам етқурдилар. Сарандиб шохнинг мактубини Доробшоҳга бердилар. Шох мактуб мазмунидин огоҳ бўлиб, хомуш бўлди. Бу хабарни шаҳзода Салмон эшитиб, беҳад бетоқат бўлди ва юзини мазаллат туфроғига кўйиб муножот бадаргоҳи қозилхожот айлаб дедиким, эй карими корсоз, банданавоз, баъзиларни Хусраву, баъзиларни Фарҳод ва ўзгасини Ширин айладинг, Магар бу оламни бундай ойинлар бирлан вобаста айлабдурсен. Илоҳи ушбу ошиқлар хурматидин мен ожизни ноумид айламагасен деб, илтижолар бирлан бошини саждадин кўтарди. Дилида дедиким, бир бурчакда ўргумчакдек асир бўлмоғдин манфаат кўринмайдур деб, яхшиси шулки қаландар мисол бўлиб, шохдин жавоб олиб, ушбу дарёйи муроддан гавҳаримни истаб шўнгигаймен, шояд кўлга киргай. Ҳазрат худовандимнинг инояти бирлан деб, уйдан чиқиб шох хузурига бориб одоб бирлан ер ўпиб, илтижолар айлаб, жаҳонгирдлик айламак учун рухсат олиб, ул тўрт биродари бирдан йўлга равона бўлдилар. Дашту биёбонларни сайр айлаб, мажнунвор бўлиб мурод шаҳри Сарандиб вилоятига қадам етқурдилар. Уч-тўрт кун томошолар билан ўтди. Бир ажойиб саройдан бир хужрани олиб, ўзларига хос айлаб, анга лойиқ палослар ва фоҳиралар бирлан ораста айладилар ва ул хужрада истиқомат қила бошладилар. Беш-ўн кун ўтди, ёронлар дедиларки бекордан-бекор юрмоқлик аблаҳлар ишидур, дедилар. Ул қаландарлардан бири бир-икки парча қоғозни олиб, уни бўяб, бир даста гул ясади. Саройбоннинг қулвачасини чақириб, гулни унга бериб, бу гулни олиб бориб сотиб, пулини олиб келгил дедилар. Қулвача ўз хожасига кўрсатди. Хожаси йигирма танга берди. Ул гулни ўттиз тангага етқуриб сотди. Қулвача йигирма тангани қаландарларга берди. Қаландарлар ул кун йигирма тангани сарф қилдилар. Ҳар кун бир даста гул боғлаб берардилар, қулвача йигирма танга берарди. Секин-аста гулнинг баҳоси эллик-олтмиш тангага етди. Қаландарлар ҳар кун йигирма тангани сарф қилур эрдилар. Бир кун вилоят элига хабар бўлдики маликайи Қамарчеҳра сайрибоғ учун йўлга чиқадурлар. Кўча ва бозорларда одамлар бўлмасин деб. Бу сўздин қаландарлар беҳабар эрдилар. Яна бир даста гулни боғлаб қулвачага бердилар. Қулвача саройдан чиқиб бирилан, қазоро маликайи Қамарчеҳрага дучор бўлиб қолди. Қочишга имкон қолмаган эрди. Маликанинг кўзи гулга тушди. Бир канизини буяриб, гулдастанни олиб томоша айлаб, завқи жўшиб юз танга берди. Қулвача йигирма тангани қаландарларга бериб, қолганини ўзи заҳира айлади. Аммо малика ул гулдастадин асло кўз узмас эрди. Эртасига яна бир гулдастанни сотиб олди, ва кўрдиким бул гулдаста бирлан кечаги гулдастанинг фарқи ер бирлан осмончадир. Учунчи кун бири хизматкорни юбордиким, ўшал қулвачани гулдастаси бирлан бирга бу ерга олиб келгил деб, амр қилди.

(Давоми бор).

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Қамра

УЗР

Шийпон саҳнидаги азим толлар соясига ўтирган азамат йигитларга кўзим тушди. Бориб саломлашдим.

— Ҳизирни йўқласак бўларкан, — улфатчилигимизга бир одам камлик қилиб турувди, — ароқ тўла пиёлани менга узатди уллардан бири. — Шуни олсангиз бизга етишиб оласиз. Олинг, овқат совимасин.

— Раҳмат, бемалол олаверинглар. — Қўлим кўксимда. У яна зўрлайди. Узрим бор, дейман. Пули қақадими, дейди. Гап пулда эмас, дейман.

— Э, э, қўйинг. Пулидан қочаяпти, — деди яна бири косагулга. Гапининг мазмунидан гўё мен зикна бўлдим. Аммо ичмадим.

Бир хонадонда никоҳ оқшоми эди. Ичувчилар қаторига ўтказишди.

— Сизнинг навбатингиз, — ёнимдаги одам бир пиёла ароқни менга узатди.

— Йўқ, ичмайман. Узрим бор. — Икки ёшнинг бахти учун олмайсизми, лоақал озгина, — нозик томондан мени ўз доми-

га «илинтирмоқчи» бўлди. Бир пиёла чойни шартта қўлимга олдимда икки ёшнинг ҳақиға яхши тилаклар тиладим.

— Ароқни мард ичади-да, — пичинг қилди у. Ва олдимга қўйган ароқни мақтангандек ўзи ичиб юборди, «мард»нинг хаёлида мен «номард» бўлдим.

Аммо ичмадим. Яна бир йигинда эса: — лоақал озгина олинг. Ози шифо, — дейишди.

— Таним соғ. Раҳмат. Шунда кимнингдир: — Вой, тушунмаган-ей, — дегани қулғимга чалинди.

«Тушунмаган» ҳам бўлдим. Аммо ичмадим.

Мени камситганларнинг кўпи бевақт қариган. Пўкак толникидек ичлари чиркин.

Ким қанча умрга эга, бу худойимнинг иродаси. Отамнинг «ўғлим бўлсанг ичма, ароқ заҳри қотилдир» дегани эса яратганнинг берган иродасига бир сабаб, умримга қанчалар барака ато қилди, дейман.

Дур сўзингизни «рақиб»ларимга узр — қалқон айлаб, чин фарзандингиз бўлганимдан бахтиёрман, азиз отажон.

Гани АБДУЛЛАЕВ.



«Богимизда етиштирилган мевалардан татиб кўринг», — дейди Собир Раҳимов тумани «Ховуз бўйи» маҳалласида истиқомат қилувчи Камол ота Фиёсов ўзи етиштирилган меваларни кўз-кўз қилиб.

Равиль Альбеков олган сурат.

Турфа олам

ФУТБОЛ НЕЧА ЁШДА?

Футбол неча ёшда, деган саволга хитойлик олимлар 2 минг йилдан ортиқ, деб жавоб беришади. Милоддан 400 йил олдин Чин императори саройида 25 кишидан иборат команда бўлган.

Тўп теридан ясалган, майдон эса чизик билан бўлинган.

Бу ўйиннинг футболдан нима фарқи бор? Хитой ўйинининг қоидаси қаттиқ эди. Мукофотлаш эса — оддий. Галаба қозонганларга қимматбаҳо совғалар беришган, ютқазганларни бўлса бамбук таёғи билан уришган.

ЁҒОЧОЁҚ МУСОБАҚАСИ

Қадим вақтлардан буён Франциядаги Аркашон шаҳри аҳолиси ёғочоёқда юришга усталиги билан мақтанишади. Ёғочоёқда юриш бу ҳали асосий гап эмас, муҳими чопиш ҳам керак.

Ҳар баҳорда Аркашонда ёғочоёқда 105 километрга чопиш мусобақаси уюштирилади. Бутун йўл тўрт босқичга бўлинган. Бу осон иш эмас. Шу тўфайли машқлар бир йилга чўзилади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Хотира — муқаддас туйғу



ҲАМИША ДЎСТЛАРИ ҚАЛБ АРДОҒИДА

Халқимиз ўзининг асл фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Бинобарин, Ватан ва халқ йўлида жонини фидо қилган ўғлонларини асрлар бўйи ардоқлаб келади. Ана шундай унутилмас инсонлардан бири марҳум милиция генерал-майори Комилжон Рафуровдир. Комилжон дўстим умрини ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашга бахшида қилган инсон эди. Элим, халқим деб жон куйдирганлар қалбларда абадул-абад яшаб қолажак.

Комилжон бирла биз, битта маҳаллада яшаб, тенгқур сифатида битта мактабда ўқиб, бирга ўсган энг яқин сирдош дўст эдик. Алам билан эслаймани, дўстим узоқ яшамади — бор-йўғи қирқ беш йил умр кўрди. Йигитликнинг энг гуллаган, қирчиллама даври. Аммо ана шу қисқа ҳаёт давомида бир қатор хайрли ишларни амалга ошириб кетди. Ҳали амалга ошириш учун режалаб қўйган ишлари кўп эди. Бугунги кунда у бошлаган халқ учун фойдали ишларни дўстлари, сафдошлари, шогирдлари шараф билан давом эттирмоқда.

Комилжоннинг асосий хизматларидан энг эътиборга молики — пойтахт осойишталигини сақлашда кўрсатган жонқурлиғидир. Унинг саъй-ҳаракатлари натижасида шаҳарда уюшган жиноятчиликнинг пайи қирқилган эди. Жиноятнинг одам ўлдириш, ўғирлик, транспорт воситаларини олиб қочиш каби турлари кўзга кўринарли даражада камайишига муваффақ бўлган эди. Уша вақтларда бундай муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўлмасди.

Комилжон ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш фақат соҳа кишиларининг ўзигагина боғлиқ эмаслигини доим жонқурлик билан қайд қиларди. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш ва ун-

га қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш борасида маҳаллаларда аҳоли билан тез-тез учрашувлар ўтказиб, кенг жамоатчиликнинг имкониятларини бу ишларга жалб этарди. Ана шу учрашувлар баҳонасида халқ дилидагини ҳам биллиб оларди.

Менинг дўстим оддий ходимликдан милиция генерал-майорлик даражасигача бўлган шарафли погоналарни босиб ўтиб, ўзининг тажрибаси билан фидойи, касбига содиқ кўплаб шогирдлар етиштирди. Шу кунларда унинг дўстлари ва шогирдлари юрт осойишталиги йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Ҳукумат қарори билан Комилжон дўстимнинг порлоқ хотираси абадийлаштирилди. У таълим олган Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги 35-ўрта мактаб — собиқ 11-мактабга унинг номи берилди. Мактаб ҳовлисида бюсти ўрнатилди ҳамда Келес билан Тошкент шаҳрини боғловчи Сағбон кўчасига ҳам унинг номи берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан у 1994 йилда «Жасорат» медали билан мукофотланган эди.

Инсоний фазилатларга бой, дўстларга меҳрибон, ўз касбининг устаси, бутун имкониятини ва ақлаковатини, олдидидаги вазифаларини бажаришга сафарбар этувчи қатъиятли раҳбар даражасига етишган эди.

Бугун дўстим ҳаёт бўлганида 50 ёшга тўлган бўлар эди. Комилжоннинг 50 ёшлигини чўқур энтикиб, дўстимни кўмсаб ва фахрли хотиралар билан нишонлар эканмиз, жойлари жаннатда, руҳлари осойишта бўлсин, деймиз.

Бахтиёр ҲАКИМОВ,
Собир Раҳимов тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги.

Уй бекалари аччиқ-чўқуқ тайёрлашга ҳозирлик кўрар экан, албатта бошқа масалликлар қатори бодрингни ҳам қатордан қолдирмайди. Эро, бодринг инсон организмиди учун жуда фойдали ва шифобахш сабзавотдир. Унинг таркибида (ўрта ҳисобда) 95 фоиз сув, 2,8 фоиз қанд моддаси, 1,1 фоиз оқсил, 0,58 фоиз минерал туз ва кам миқдорда С витамини, каротин мавжуд. Шунингдек, таркибида жуда оз миқдорда бўлсада эфир мойи борлиги учун ўзига хос хид таратиб туради.

Бодрингни овқатланишдан олдин истеъмол қилсангиз иштаҳани очади. Кучли овқатлар билан ейилса ёғ ва оқсил моддаларининг ҳазм бўлишига ёрдам беради, семириб кетувчилар учун шифобахш саналади.

Фойдали маслаҳатлар БОДРИНГ ҲАМ ШИФОБАХШДИР

Янги узилган бодрингни турли хил салатларга қўшиб ейиш мумкин. Айримлар кўпроқ тузланган бодрингни хуш кўришади. Бу ҳам организм учун фойдалидир. Шу боис тузланган бодрингдан бир салат тайёрлаб кўришингизни тавсия этамиз: бунинг учун 250 грамм бодринг, 2 дона тухум, 1 бош пиёз, 2 дона саримсоқ бўлакчаси, 4 ош қошиқ майонез, 1 ош қошиқ тўғралган кўк пиёз керак бўлади.

Уни тайёрлаш жараёнида энг аввало бодрингни хоҳлаган шаклда (имкон қадар йўғон сомон шаклда) тўғрайсиз. Худди шундай қилиб қайнатиб пиширилган тухумни ҳам тўғраб, идишга аввал бодрингни сўнг тухумни соласиз. Унинг устига қирилган ёки эзилган саримсоққа туз ва майонез аралаштириб тўғралганлар устидан қуйилади. Майда тўғралган пиёз энг устига сепилиб, безатилади ва дастурхонга тортилади.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

Шарқ гурдоналари

Оз-оз ўнганиб домо бўлур...

◆ Ардашер ҳавасни келтирадиган улуг бино қурдирди ва ҳақимлардан бирига қараб: «Бу бинода бирор камчилик борми?» деб сўради. Ҳақим унга: «Мен бундай улуг ва чиройли бинони кўрмаганман, бироқ шундай бўлса ҳам унда ягона бир камчилик бор!» — деди. Ардашер: «У қандай камчилик экан?» — деб сўради. Ҳақим деди: «Афсуски, сен учун бир чиқиш бор, бу чиқишдан сўнг сен унга абадий қайтиб қирмайсан. Еки сен учун унга бир кириш бор, бу киришдан сўнг сен ундан абадий чиқмайсан!»

◆ Ҳақимлар айтади:
— Кувватинг етмаган ишга қўл урма, фойдасиз ишларга уринма, молу давлатинг қанчалик кўп бўлсада, унга ишониб иш тутма!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ.

◆ Азизим, ғазаб отини сабот жилови билан қайсарлик йўлидан қайтар! Ҳар қандай шубҳа зимистонини ақл нури билан равшан эт! Шунда сен надомат ва пушаймонлик домига мубтало бўлмайсан! Маснавий:

*Биров гуноҳ қилса, бўлсанг дарғазаб,
Жазо бермай туриб ўйла яхшилаб!
Бадахшон лаълени сийдириш осон,
Бироқ асли каби бўлмайди ямаб,
Қилинмаган ишни қилса бўлади,
Қилгач, надоматдан суд йўқ, нежазоб!*

◆ Азизим! Сен шундай йўл тутки, бу билан сен ҳақиқий одамга айлангин, билим ва тажриба соҳиби бўл, яхшилар суҳбатидан ўзинг учун бир натижа чиқар, ёмон кишилар қилаётган ишни кўриб, уларга асло кўнгил берма, беҳуда сўзловчиларнинг бемаъни сўзлари юрагингга таъсир қилиб, кўнгил ойнасини қирлантормасин! Дўстни душмандан айириш йўлини ўрган! Чунончи айтадилар:

*Дўстинг учун жонни фидо айлагин,
Дўстингни душмандан жудо айлагин.
Яхши ишга ундар дўстинг ҳар онда,
Ёрдам берар тавиши етган замонда!*

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

◆ Аҳмоқ ўзиникини омонатга қўйиб, бировдан омонатга сўрайди.

Иввогарга яқин юрма, унинг таъсирига тушиб қолганингни ўзинг ҳам билмай қоласан!

◆ Бой бўлишни истасанг қаноатли бўл, Бойликка интилган тезда камбағаллашади.

Керагидан ортиқча қидирган одам борида ҳам айрилади.

◆ Ёлгончи кишининг ўликдан фарқи йўқ. Чунки тирик кишининг фазилати унинг нутқидадир. Тирик киши ёлгон сўзлайвергани учун унинг сўзларига ҳеч ким қулоқ солмай қўйгач, унинг энди ўликдан фарқи йўқ.

◆ Ёлгончининг дўсти ҳам ёлгончи.

◆ Эгри даракнинг сояси ҳам эгри бўлади.

◆ Тунда ухлагач, кундузи ҳам ухлаш умрни исроф қилишдир.

◆ Кўп ётиш хасталик келтиради.

◆ Уйкудаги одамнинг уйгоқ одамдан хабари бўлмайди.

◆ «Аталар сўзлари»дан.

◆ Ростлик шундай зарки, у ўзининг мукамаллиги ва бенуксонлиги билан кишининг улуғлик ва эътибор бозорининг равақ топишига сабаб бўлади. Агар ҳар кимсаннинг тасарруф чўнтағида ундан бир диноргина бўлса обрўйи ва мустаҳкамлиги силсиласининг шерозаси ҳеч қандай нуқсоннинг таъсиридан парчаланмайди. Қадри ва эҳтиромининг баҳористони ҳеч қандай уят ва хижолатликнинг сариқ ҳазинасидан заволга юз тутмайди! Фард:

*Кўёш каби чехраси тўлиб тобон бўлса ҳам,
Эриликдан ҳилолнинг қадри доим наст эрур!*

◆ Бархурдор ибн МАХМУД.

◆ Айтишларича, Искандар ўн саккиз ёшида мамлакатга ҳоким бўлган экан. Унинг ҳокимлиги ўн етти йил давом этган. У ўз умрининг тўққиз йилини жангда ўтказган, қолганини эса ўз хоҳиши бўйича ўтказган. У жуда кўп мамлакатларни забт этган, кўплаб бойликлар тўплаган. Улим олдидан васият қилиб, қўлини кафандан чиқариб, шаҳар айлантиришни, жарчилар эса: «Ҳой одамлар, шунча кўп ерларнинг шоҳи, шунча бойликларнинг соҳибини кўринглар, дунёдан ҳеч нарса ололмай куруқ кетяпти, ҳеч бир киши гўрга ўзи билан ҳеч нарса олиб кетолмайди, дунёда эса фақат қилган иши ва яхшиликлари қолади!» деб бақаришларини буюрган.

◆ Абулбаракот ҚОДИРИЙ.

◆ Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.



Дугоналар суҳбати...

Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.

Бир киши ошнаси билан қаҳвахонада суҳбатлашиб ўтирган эди. Официант уларнинг олдига келиб сўрабди: «Нима буюрасиз?»

— Бизга озгина фурсат берсангиз, суҳбатлашиб олардик, — дейишибди хурандалар.

Официант дарҳол жавоб берибди: — Фурсат бор эди-ю бироқ бошқа хурандалар пақос еб кетишди. Бошқа таом буюринг, олиб келаман.

Овчи ўрмонда ўтин кесувчини кўриб, ундан сўрабди:

— Мен шер овламоқчи эдим, сиз унинг изини кўрсата оласизми?

Ўтин кесувчи дебди: Хув нари-

да бир шерни кўрдим, югуриб борсангиз етиб оласиз.

Бечора овчининг ранги ўчиб, оёқ-қўли дағ-дағ қалтираб дебди:

ХАНДАЛАР

Мен шернинг ўзини эмас, унинг босган оёқ изини сўраган эдим.

Бир танбал киши кўчада қўли билан ишора қилиб такси тўхтатди. Ҳайдовчи у кишидан бир неча метр олдинроққа ўтиб тўхтади.

Танбал киши орқага ҳайда, деб ишора қилди. Ҳайдовчи эса ўзингиз юриб келинг, деди. Шунда танбал киши: — Такси тўхтатиб, яна пиёда юраманми? Бунақа таксининг кераги йўқ, кетавер деб жавоб бериб юборди.

Иккита танбал учрашиб қолишди. Улардан бири иккинчисига деди: — Бир йилда неча марта ҳаммомга борасан?


— Бир ёки икки марта.

— Узинг-чи?

— Уч ёки тўрт марта.

— Ия, балиқ экансан-ку!

Бахриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қопоз бичими А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардан почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

ШАҲАР ЖУРНАЛИСТЛАРИ САЙЛИ



Ўтган шанба куни Мирзо Улугбек боғида республикада мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган аjoyиб тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ўз анъанасига содиқ қолиб журналистлар сайлини ўтказди. Бу тадбир ўзининг 33 йиллигини нишонлаган пойтахтимизнинг «Оқшом» газеталарининг байрам тантаналарига уланиб кетиши янада мароқли бўлди.

Байрам ташкилотчилари — Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ва Мирзо Улугбек боғи маъмурияти «Оқшом» газеталари ходимлари, кўп нухсали газета ва Тошкент телерадиостудияси хизматчиларининг кўнгилли дам олишлари учун боғда барча шароитларни яратишди. Журналистлар сайлида қатнашган оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда бўлдилар. Шу куни боғга таширф буюрган кишилар ва сайл иштирокчилари рағбатланган ҳамда мароқли тадбирларнинг иштирокчилари бўлишди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улугбек боғида бўлиб ўтган тадбирдан лавжалар. Рустам Шарипов олган суратлар.



Узини билган одамга ҳаётнинг ўзи катта мактаб, дейдилар. Демакки, атрофдаги одамларнинг хулқи-атворларидан, қаерда ўзини қандай тутишдан хулоса чиқариб олса бўлавераркан.

Бундан бир неча йил аввал Жиззах вилоят касалхонасида ётган бемор устозимизни кўргани бордик. Биз — беморни кўришга борувчилар уч киши эдик. Йўлда қанақадир иш билан машинамиз тўхтаган пайтда бизга яна икки киши қўшилди.

Шундай қилиб беш киши шифохонага — юрак хасталиги билан ётган устозимизнинг ёнларига кириб бордик. Тевараклаб ўтирдик-да, ҳолаҳвол сўрашдик. Бемор устозимизнинг сўхбатлари ҳаммиша мазмунли бўларди.

Шулардан маълум бўладики, бирор беморни кўришга кирилганда фақатгина кўнгилни кўтаришнинг сўхбатлари олиб боришга интилоқ керак экан. Беморни кўришга кириш одоби шу билангина тугамайди албатта. Мен фақат ўзим кузатган лавжалардан мисоллар айтдим холос.

Беморни кўриш, унинг кўнгилни сўрашдан ташқари бемор бўлишнинг ҳам ўз одоби, ибрати борга ўхшайди. Беморлик кўп ҳолларда дафъатан пайдо бўлади, унинг ҳам одоби ҳақида гапириш галати-да, деган мулоҳаза туғилиши мумкин. Лекин... Мана, масалан, бир беморнинг, қариндошинингизми, у ошангангизми, ишхонангиздаги ҳамкасба-гизми, ундан қатъи назар,

тон касаллиги борлигини аниқлашди. Жиззахдаги шифокорлар у кишига Тошкентдаги Кўкрак жарроҳлиги шифохонасига йўланма бердилар. Олим Шукуров мазкур шифохонада бир муддат ётиб чиқди. Уша муддат давомида унинг тўғилган ўғли Одижон отасининг ёнида бўлди... Қисқаса, муаллим дўстимиз Олим Шукуров тузалмади, вақти етиб ўша касаллик билан вафот этди. У кишини Оллоҳ таоло ўз раҳматига олган бўлсин!

Олим Шукуровнинг маъракаларидан бирида ўғли Одижон бўлиб ўтган битта лавҳани айтиб берди: — Дадам Тошкентдаги шифохонада даволаниб қайтаётганларида шифокор-

БЕМОРНИ КЎРИШ ОДОБИ

Шунга кўра осойишта гапилашиб ўтирарканмиз, бир маҳал сўхбатимизга бир қадар пугур етгандай бўлди. Бизга йўлда қўшилган одамлардан биттаси ўзининг сўзломлигини намойиш қилмоқчи бўлди, бундан икки йил аввал ўзининг худди шу хонада бемор сифатида ётганини гапирарканми, аммо бир куни эрталаб турсалар ўлиб ётганини ба-тафсил гапириб ташлади...

Бемор устозимиз бизга бирма-бир қараб қўйдилар. Биз у кишининг нигоҳларидан: «Менинг ёнимга шунақа бефаросат одам билан бирга келдингларми?» деган мазмундаги танбеҳни ўқиб олдик.

лар у кишига: «Икки ойдан кейин келасиз, бутунлай даволаб юборамиз», дейишган эди. У кишига шундай дейишди мени секингина чақириб: «Тайёргарликларингни кўраверинглар... барибир тузалмайдилар», деган гапни айтишди. Далам руҳларини туширмай юравердилар. Бу орада шифокорлар айтган икки ой ўтди. Дадам яна: «Тошкентга — шифохонага олиб боргин», дедилар. Мен ноқулай аҳволда қолдим. Дадамга ҳеч нима дея олмадим. Тошкентга олиб бордим. Уша шифохона даргоҳига кирдик. Шунда, ишонсангиз, даламни даволашда иштирок этган шифокорлардан бири бизни кўриб жуда ҳайрон бўлди ва: «Нима қилиб юрибсизлар? Нега келдингларингиз? Ахир... келмастикларингиз, керак эди-ку», деб юборди. Ўзининг миллатга мансуб шифокорнинг бундай муомаласидан ранжишим. Аммо у кишига ўша ерда ҳеч нарса дея олмадим... Дадам иккаламиз бўлим мудирининг хонасига кетаётганимизда яхуди миллатига мансуб бошқа шифокорга луч келиб қолдик. У киши даламни ҳам, мени ҳам яхши таниб, ўз хонасига бошлаб кирди. Мен даламнинг гапларига кўра яна келганимизни айтдим. У киши дарҳол хизматидagi ҳамширалардан бирига айтиб, даламни қанақадир аппаратда текширди. Ва охирида: «Олим Шукурович! Сизда қандайдир шамоллаш пайло бўлди. Ўзингиз биласиз, ёздаги шамоллаш бирор оғирроқ кечеди-да. Зарари йўқ, ҳаммаси ўтиб кетди. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз», деди. Шунақа илиқ муомаладан кейин далам тушқунликдан қутулгандай бўлди. Шифокорларнинг муомаласида гап кўп экан...

Бемор устозимиз бизга бирма-бир қараб қўйдилар. Биз у кишининг нигоҳларидан: «Менинг ёнимга шунақа бефаросат одам билан бирга келдингларми?» деган мазмундаги танбеҳни ўқиб олдик.

Уша лавҳаларда Тошкентга келса адиблардан бирини кўришга борганимиз ёдимга тушди... Саксоничи йилларнинг ўрталари эди. Биз — икки киши келса адибдан ҳолаҳвол сўрагани кирдик. Ҳолаҳвол сўрашиб турганимиз асосида Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири ҳам ўша хонага таширф буюрди қолди. У киши ҳам беморнинг аҳволини, муолажалар қандай олиб борилаётганини сўради, беморга қандайдир таскин берувчи сўзлар айтди-да, бир пайт костюмининг ички чўнтагидан атир шишасини чиқарди. «Шипр» деб аталган оддий атир эди у. Раҳбар адиб бемор адибга атирни тутказиб асосида ярим ҳазил-ярим чин оҳангда кутимизираб шундай деди:

Аммо айрим беморларнинг ёнига кирганингизда қандайдир кўнгилсиз, тушқун кайфиятда чиқасиз. Шунинг сабабини беморнинг гап-сўзларидан, олоб-ахлоқидан деб билмоқ керак. Ундай беморлар кўп ҳолларда шифокорлардан нолийдилар: «Шунча кундан бери тузатмапти», «Уч ил укол қилаётган, кечалдан бошлаб биттасини тўхтатиб қўйди», «Ановви дўхтир ундай, мановиси бундай» ва ҳоказо. Яна айрим беморлар бўладики, кирган заҳотингиздан бошлаб нукул ўзининг касалини гапирарканми, оғриқнинг қанақа бўлиши дейсизми, ярасининг қандай боғланиши унга қанақа дори суркалганими, ярасининг рангию ундан қай тарзда қон ёки йиринг оқаётганига сўзлайверди. Шундай гапирардики, тўғ бутун олам ўша беморнинг касали тузалишини кутиб тургандай!.. Ахир унинг касалини ўйлашдан бошқа ишлари, муаммолари ҳам бор-ку одамларнинг!

«Энди яна битта гап. Шифокорларнинг беморлар кўнгилни кўтариши лозимлиги ҳаммага аён. Тиббиёт институтларида бундай муомала илми беш йилми, олти йилми давомида ўқитилди. Бундай яхши муомала илмини шифокорлик одоби ҳам дейиш мумкин. Лекин баъзан ана шундай муомалани унутган шифокорлар ҳам учраб қолади. Ваҳоланки яхши сўз — ярим шифо, деган нақл тиббиётда кўпдан маълум гап.

Олим Шукуров деган муаллим дўстимиз бор эди. У киши ўтган йили бетобланиб қолди. Шифокорларга учрашса, у кишида сара-

Тошкент шаҳар прокуратурасида

ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Юртимизда ҳозирги кунда энг долзарб масала бўлиб ҳисобланган ёшлар тарбияси, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва иш билан таъминлаш борасидаги муаммолар асосий ўринни эгаллаб турибди. Шу боис Тошкент шаҳар прокуратурасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот», «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг мувофиқлаштирилган кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар прокуратураси назорат бўлими бошлиғи, адиб маслаҳатчиси Саидқабар Рўзиев ёшларнинг ишсизлик муаммосининг моҳирати нимада эканлигига алоҳида тўхталиб, жумладан шундай деди:

Кенгашда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга, ёшларга, айниқса озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан қайтиб келган фуқаролар билан ишлашга ва уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги тўғрисида тўхтади. Тошкент шаҳридаги қурилиш ташкилотларида, транспорт корхоналарида коммунал ва қурилиш хизмат шохобчаларида бўлиб иш жойларининг борлигини қайд этиб ўтди. Шунингдек, турли диний оқимлар домига кириб кетаётган ёшларнинг ортда ота-она, маҳалла ва атрофдагиларнинг лоқайдлиги туфайли кўнгилсиз воқеалар содир этилаётганлиги ҳеч қимга сир эмас. Мана шунинг учун ҳам ёшларимизнинг муаммосини ўрганиш борасида нафақат ота-она ёки «Камолот» жамғармаси, аксинча барча жамоатчилик масъул эканлигини унутмайлик. Шунинг учун бўлиб ўтган ишлардан тўғри хулоса чиқариб, барчамиз ҳар бир ишда зукко ва талабчан, ҳушёр, бир-биримизга эътиборли бўлайлик. Шунингдек, кенгаш ишида иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Иқтисод ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Рустам Шоабдураҳмонов ҳам ёшларни фақат иш билан таъминлаб қолмай, уларнинг касб маҳоратини ошириш лозимлиги ҳусусида гапириб ўтди.

Кенгаш ишини Тошкент шаҳар прокуратурининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ҳақназаров олиб борди.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

«07»

БЕПАРВОЛИГИМИЗ ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлигидан содир бўлган ёшларнинг на-тижасида шахримиздаги корхона-ташкilotлар, хусусий хонадонлар катта зарар кўраётганини сир эмас. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида шахримизда 1020 та ёшнинг содир бўлиб, унинг асоратлари орасида 15 киши ҳаётдан қўз юмди, 26 киши оғир тан жароҳати олди. Қўрилган зарар эса 7 миллион сўмдан ошиб кетди.

да» қабул қилинган қарорларга қарамай, ушбу ёшларнинг қарорини амалда бажарилмай қилиниши натижасида юзга келган, деб ҳисоблаш мумкин. Натижада биргина июнь ойининг ўтган даврида Ҳамза тумани, Боткин даҳасида 8 мартта 250 квадрат метрдан 500 квадрат метргача бўлган майдонда қуриган ўт ва чикиндилар ёнган. Шайхонтохур тумани, Зарқайнар қўчаси, А. Қодирий номи истирожот боғида 400 квадрат метр майдонда қуриган ўтлар ёнган. Собир Раҳимов тумани, Дусллик қўчасидаги очик майдонда 350 квадрат метр қуриган ўтлар ёнган.

Айнан ушбу ёшларнинг на-тижасида 2 киши, шу жумладан 1 та ёш бола «оловдан қуйиш» тан жароҳати» олиш натижасида касалхонага ётқизилган. Ёшларнинг олдини олиш фақатгина ўт ўчирувчиларнинг вазифаси бўлибгина қолмай, барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Ёшнинг ҳа-вфислиги қондиларига риоя қилган ҳар бир фуқаро «ўт балосидан» халос бўлишига ишонамиз.

Ёшларнинг олдини олиш мақсадида корхона, муассаса, ҳамда турар жойларда йиғилиб қолган ҳар хил чикинди, ахлатлар иморат атрофида ёқилмаслиги, ертўла ва чорбоғларда керак бўлмаган ёнувчи моддалар сақланмаслиги, электр асбобларидан фойдаланилганда каровсиз қолдирилмаслиги, газ-пайвандлаш ишлари олиб бориладиган жойлар ҳар хил ёнувчи нарсалардан тозаланиши ҳамда шу жойлар ўт ўчириш анжомлари билан таъминланиши лозим.

Ёшнинг чикдан ҳолда дарҳол «07» га кўнгирик қилинг ҳамда ўт ўчириш ходимлари етиб келгунга қадар ёшнинг қарши ўт ўчириш анжомлари билан уни ўчиришга киришинг, агарда хоналарда одамлар қолган бўлса уларни кутқариш чораларини кўринг.

Шуни эсда тутингки, фақат ёшнинг қарши чора ва тадбирларга риоя қилганда ёшнинг олдини олиш мумкин.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар ёшларидан сақлаш бошқармаси ходими, ички хизмат катта лейтенанти.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган нутқида аҳолини ижтимоий ҳимояси таъминлаш исоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан бири эканлиги ва биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз кераклиги қайд этилган. Мана шундан хулоса чиқарган Тошкент шаҳар прокуратура органлари томонидан Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси ва унинг тизимларида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди. Бу текширишдаги асосий эътибор аҳолини иш билан таъминлаш ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш жойларини яратиш, ишсиз аҳолини қайта ўқитиш ва касбга тайёрлаш, меҳнат шартносларини яхшилаш, меҳнатли муҳофаза қилиш масалаларига қаратилди.

Биз текшириш замирида шу нарсанинг гувоҳи бўлдикки, асосий масала аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қи-

лиш борасидаги ишлар бирмунча суст. Меҳнат органлари, ўз-ўзини бошқариш тизимлари ва «Камолот» жамғармаси ёшлар билан ишлашни талаб даражасида ташкил қилмаган. Жойларда тарбиявий, маданий ва спорт ишларини ташкил этиш борасида бирор тизим ва назоратнинг йўқлиги учун ҳам мана шундай камчиликлар вужудга келган. Демак, жойларда текширишлар ўтказиш билан чегараланиб қолмай ишни яхши ташкил этиш керак. Беиш, бекор юрган ва мўмай даромадни қаердандир топаётган ёшлар тақдирига алоҳида эътибор бериб, у нима сабабдан ишсиз юрибди ёки нима билан ҳаёт кечираяпти, мана шу ҳолатнинг моҳирати ўрганишимиз ва назорат қилиб боришимиз керак. Шунинг учун жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, ўз-ўзини бошқариш тизимлари, маҳалла оқсоқоллари, «Камолот» ёшлар жамғармаси бу борадаги иш фаолиятимизга анчагина ўзгартириш киритиш, аҳолини иш билан таъминлаш масаласини биринчи босқичдаги вазифа деб билмоғимиз зарур.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Буюртма Г-0536.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.

Қоғоз бичими А-2

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Бектемир бозори» очик ҳиссадорлик жамиятининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 1999 йил 21 июль куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Фарғона йўли қўчаси, Бозор майдони, 8-блок, 2-қаватида бўлиб ўтишини ўз ҳиссадорларига маълум қилади ва аввал хабар қилинган кун тартибига ўзгартиришлар киритади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ҳиссадорлик жамиятини 1999 йил биринчи ярим йилдаги иш фаолияти ҳақида ҳисобот.
2. Жамиятининг ярим йиллик фаолияти яқунларига кўра ҳиссадорларга тўланадиган дивидендлари.
3. Жамият Низомига қўшимча ва ўзгартириш киритиш.
4. Бошқарув раисини тасдиқлаш.
5. Тошкент кишлоқ хўжалик маҳсулотлари «Ул-гуржи Бозорини» ташкил этиш.

Рўйхатга олиш вақти соат 15.00 да.

«Бектемир бозори» ОАЖ Кўзатиш кенгаши.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз сифатларида ёрқиндир.

Эълонлар шифа ва яқиндан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Республика илмий-ихтисослашган алергология маркази маъмурияти ва меҳнат жамоаси марказини шифокор алергоголи С.Фойибазаровага валидан муҳтарамлари

ЗАРБУВИШ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Шайхонтохур туманидаги Йўлдош Охунбоев номи 45-мактаб томонидан Турсунов Акмалжон Ирқиновичга берилган О'Р-З 330929 рақамли шеходатнома йўқланганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛНАДИ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босмага топшириш вақти 11.30

1 2 3 4 5 6